УДК 578.834.1/615.03

COVID 19 ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАР МЕДИКАМЕНТОЗ ДАВОСИ ЧАСТОТАЛИ ТАҲЛИЛИ (ДОРИ ШАКЛИ БИРЛИКЛАРИ БЎЙИЧА)

Мавлянов И.Р.[1], Нурбаев Ф.Э.[2], Олимов А.Р.[1], Мавлянов З.И.[3], Омонов О.Ю.[2]
[1]Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази. Ўзбекистон.
[2] Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон.
[3] Алфраганус Университети, Тошкент, Ўзбекистон.

ЧАСТОТНЫЙ АНАЛИЗ МЕДИКАМЕНТОЗНОГО ЛЕЧЕНИЯ БОЛЬНЫХ С ИНФЕКЦИЕЙ COVID 19 (ПО КОЛИЧЕСТВУ ЕДИНИЦ ЛЕКАРСТВЕННЫХ ФОРМ)

Мавлянов И.Р.[1] , Нурбаев Ф.Э.[2], Олимов А.Р.[1], Мавлянов З.И.[3], Омонов О.Ю.[2]
[1]Центр повышения профессиональной квалификации медицинских работников. Узбекистан.
[2] Бухарский государственный медицинский институт, Узбекистан.
[3]Университет Альфраганус, Тошкент, Узбекистан.

FREQUENCY ANALYSIS OF DRUG TREATMENT IN PATIENTS WITH COVID-19 INFECTION (BY THE NUMBER OF DOSAGE UNITS)

Mavlyanov I.R.[1], Nurbaev F.E.[2], Olimov A.R.[1], Mavlyanov Z.I.[3], Omonov O.Yu.[2]
[1] Center for Continuing Professional Development of Medical Workers, Uzbekistan.
[2] Bukhara State Medical Institute, Uzbekistan.
[3] Alfraganus University, Tashkent, Uzbekistan.

Аннотация: *Мақолада COVID 19 инфекциясига чалинган ва стационар шароитда даволанган беморлар медикаментоз давосида қўлланган дори воситаларининг гуруҳлари ва дори воситаларининг бирлик миқдорлари улушлари ўрганилган. Дори воситалари гуруҳлари ва намоёндалари дори шакли бирликлари миқдори бемор жинси, касаллик кечиши, оғирлик даражалари ва ёндош касалликлар мавжудлиги бўйича таққосланган. Олинган натижалар даво жараёнида қўлланган дори воситалари миқдор улушлари бемор жинси, касаллик кечуви оғирлик даражалари ва ёндош касалликлар мавжудлиги билан муаъян боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади.*

Калитли сўзлар: *COVID 19, дори воситалари, дори шакли бирликлари, дори бирликлари, миқдори улушлари, частотали анализ, касаллик кечуви даражалари, ёндош касалликлар.*

Аннотация. *В статье представлены материалы по изучению удельного веса лекарств расчитанного по количеству единиц лекарственных форму больных с инфекцией COVID 19, получавщих лечения в стационарных условиях. Анализ лекарственных средств и их групп проведен с учетом пола больных, тяжести течения болезни, а также в зависимости от наличия сопутствующей патологии. Полученные результаты свидетельствуют о том, что удельное соотношение использованных лекарственных средств и их групп находится в определенной зависимости от пола больных, тяжести течения болезни и от наличия сопутствующих заболеваний.*

Ключевые слова: *COVID 19, лекарственные средства, единицы лекарственных форм, удельный вес, количество единиц лекарственных форм, частотный анализ, степень тяжести течения болезни, сопутствующие патологии*

Abstract. *This article presents data on the specific drug use, calculated based on the number of dosage units, in patients with COVID-19 infection treated in hospitals. The analysis of medications and their groups was conducted taking into account patient gender, disease severity, and the presence of comorbidities. The results obtained indicate that the specific ratio of medications and their groups used is somewhat dependent on the patient's gender, disease severity, and the presence of comorbidities.*

Keywords: *COVID-19, medications, dosage units, specific weight, number of dosage units, frequency analysis, disease severity, comorbidities.*

Ҳозирги вақтда дори воситаларидан оқилона ва хавфсиз фойдаланиш муаммоси глобал аҳамиятга эга ва кўплаб мамлакатларда миллий хавфсизлик соҳасига тегишли деб эътироф этилмоқда [1,2]. Бу дори воситаларини истеъмоли билан боғлиқ ўлим ҳолатлари ва унинг даражаси, ҳамда ножуя таъсиротларнинг кўпайиши билан боғлиқдир [3,4,5]. Шунингдек, дори воситалари инсон ўлимига сабаблар ичида биринчи ўнталикда ўрин олган [6].

Охирги йилларда COVID 19 инфекциясини келиб чиқиши ва унинг тез ва кенг тарқалиб пандемия даражасига етиши, ҳамда оғир асоратлар ва ўлим даражасини юқори эканлиги тезкор ва интенсив, организм турли тизимларига таъсир этувчи дори воситаларини қўллаш салмоғини оширди [7,8,9,10,11]. COVID 19 инфекциясида даво учун қўлланган дори воситалари касаллик кечуви, асоратлар келиб чиқиши ва ўлим ҳолатлари бўйича самарадолиги кесимида ўтказилган таҳлиллар [10,11], ушбу хасталик давоси учун самарали ва ҳавфсиз бўлган дори воситалари танлови бўйича чуқур илмий-амалий тадқиқотлар ўтказилиши зарурияти мавжудлигини кўрсатди [10,11].

Ҳозирги даврда COVID 19 пандемияси бартараф этилганига қарамасдан, ушбу вирус билан боғлиқ бзлган хасталик бутунлай йўқолгани йўқ. Унинг янги штаммалари аниқланмоқда ва ирнсонларда хасталик келиб чиқармаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ. Шунингдек, бемор хасталикдан тузалганидан сўнг ҳам COVID бемор организмига таъсирини давом эттириши мумкин. Лаборатория текширувлари яхшиланган ва норма кўрсатгичларини кўрсатса ҳам, вирус сперматозоидлар РНК сига таъсир этиб келажак авлоднинг мия тўқимаси ривожланишига таъсир этиши мумкинлиги аниқланган [12]. Шу туфайли COVID 19

инфекцияси, унинг кечуви хусусиятлари, ривожланиши ва асоратлашуви, ҳамда даво жараёнлари ва қўлланиладиган препаратлар ва схесмаларни ўрганишни давом эттириш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ушбу хасталикда самарали ва табақалаштирилган медикаментоз даво схемаларини шакллантириш, ҳамда янги дори воситаларини излаш ва яратиш учун амалиётда қўлланган дори воситалари, улар гуруҳларини фармакоэпидемиологик таҳлилини ўтказиш муҳим амалий аҳамият касб этади. Ана шу масалани ўрганиш изланишимизни **мақсади** бўлди.

Изланиш материаллари ва усуллари.

Тадқиқотлар COVID 19 инфекциясига чалинган ва стационар шароитида даво олган 2002 та беморларнинг тиббий ҳужжатларини ўрганиш асосида ўтказилди. 2002 беморнинг 945 таси аёллар ва 1057 таси эркакларни ташкил этди. Касаллик 127 та беморда енгил, 466 та беморда ўртача оғир ва 1407 та беморда оғир шаклларда кечган. Шунингдек 479 та беморда ёндош касалликлар мавжудлиги аниқланган бўлса, 1524 та беморда ёндош касалликлар аниқланмаган.


Тадқиқотларда фармакоэпидемиологиянинг частотали анализ усули қўлланилган. Дори воситалари (ДВ) дори шакли бирликлари бўйича миқдор улушлари ҳисобланиб, улар кирадиган фармакологик гуруҳлар аниқланган. Таҳлилар бемор жинси, касаллик кечувининг оғирлик даражалари ва ёндош касалликлар мавжудлиги кесимида ўтказилди.

Олинган маълумотлар умумқабул қилинган статистика усуллари орқали ҳисоб китоб қилинган.

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси.

COVID 19 инфекциясига чалинган 2002 та беморнинг тиббий ҳужжатларининг таҳлили беморларда 136 та савдо номига эга 14 та фармакологик гуруҳга таълуқли дори воситалари 41252 дори бирлигида қўлланганлигини кўрсатди. Ушбу дори воситалари гуруҳларини сони, дори бирлиги кесимида 1- расмда келтирилган.

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, беморларда энг кўп қўлланган дори воситаси (ДВ) микробга қарши препаратлар бўлиб, барча қўлланган дори воситалари гуруҳларининг қарийб ярмисини (49,42%) ташкил этади. Вирусга қарши ДВ эса уларнинг савдо номи кесимидаги улуши бўйича микробга қарши дори воситалардан кейинги ўринни эгаллаган [2025,№3], бўлса ҳам, уларнинг ишлатилган миқдори кесимида учинчи ўринга тушган (7,38%). Антибиотиклардан кейин иккинчи ўринни антикаогулянтлар эгаллаб, уларнинг улуши қўлланилган барча дори воситалар миқдорини қарийб 1/5 дан зиёдроқ бўлган (1-расм). Ишлатилган дори воситалари миқдори бўйича глюкокортикостероидлар (ГКС) улуши 7,09% ни ташкил этиб, вирусга қарши дори воситалардан кейинги ўринга кўтарилган. Яллиғланишга қарши ностероид препаратлар (ЯҚНСП) улуши эса бор йўғи 1,14%% ни ташкил этиб, ҳатто антиагрегантлар улушидан (2,45%) ҳам сезиларли даражада кам бўлган. Муколитик ДВ деярли ГКС препаратлар каби кўп ишлатилган бўлиб, уларнинг улуши 6,46% ни ташкил этган. COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда қўлланган 14 та ДВ гуруҳининг қолганлари юқорида келтирилган ДВ нисбатан жуда кам қўлланилган бўлиб улар улуши деярли 1% атрофида бўлган (1-расм).



1-расм. COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда қўлланган дори воситалари гуруҳларидаги дори воситаларининг дори бирликлари бўйича миқдори.

Демак, COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда медикаментоз даво таркибида касаллик келтириб чиқарган омилга, яъни этиологик факторга, ҳамда касалликнинг патогенетик бўғинларига таъсир этувчи ДВ гуруҳлари дори бирликлари кесимида энг кўп қўлланган.

Ўрганилаётган касалликда қўлланган дори бирликлари ичида энг катта улуш антибиотикларга тегишлиги эканлиги ва даво жараёнида 50 та сотув номига эга антибиотиклар қўлланган эканлиги юқорида келтирилган эди. Ушбу гуруҳ препаратларини фармакоэпидемиогия таҳлили ушбу гуруҳда энг кўп левофлоксацин, азитромицин, цефепим, цефтриаксон, цефазолин каби антибиотиклар қўлланилиб, улар улуши жами антибиотикларнинг 45% дан зиёдроғини ташкил этган. Демак, антибиотиклар ичидан танлов кўпроқ цефолоспоринлар ва фторхинолонларга тегишли бўлган.

Дори шакли бирликлари кесимида биз ўрганаётган хасталик даво таркибида антикаогулянтлар улуши антибиотиклардан кейинги поғонани эгалаганлиги, ҳамда 10 савдо номига эга бўлган препарат ишлатиганлиги ҳам кўрсатиб ўтилган. Ушбу гуруҳ ДВ нинг қарийб 95,7% 3 та препаратга, яъни гепарин, эноксипарин ва клексанга тўғри келиб, улар ичида гепарин аксарият қисмни ташкил этган (83,4%). Қолган 7 та савдо номига эга бўлган препаратлар бор йўғи 4,3% ни ташкил этган.

COVID 19 инфекциясини даволашда 17 та савдо номига эга бўлган препаратлар қўлланган бўлиб, уларни 6 та савдо номига эга бўлган (ремсидивир, эргоферон, фавипиравир, авирол, рибоверин, ацикловир) препаратлар вирусга қарши препаратларнинг аксарият улушини ташкил этган (95,7%). Ушбу препаратлар миқдорининг ярмидан кўпи (55,6%) ремсидивир препаратига тўғри келган. Қолган 11 та сотув номига эга бўлган препаратлар қўлланган вирусга қарши препаратларнинг миқдорининг 4,3% ни ташкил этган.

Даво комплексида 6 та савдо номига эга ГКС препартлари қўлланилиб, дори бирликлари кесимида 95,8% улуш 2 та ГКС препаратига, яъни дексаметозон ва преднизалонга тўғри келган. Ана шу 2 та ГКС ни 96,2% дексаметозон ташкил этган. Демак, COVID 19 инфекцияси даво схемаси дексаметазон асосий танлов ГКС препаратини ташкил этган. Шунингдек, 12 та савдо номига эга бўлган ЯҚНСП профидол ваибупрофен номли препаратлари қўлланган ЯҚНСП нинг 83,6% ни ташкил этган.


Маълумки, COVID 19 инфекциясини патогенетик даво мақсади кесимида анитикаогулянт ДВ билан бир қаторда антиагрегант ДВ ни ҳам роли каттадир. Бу ўринда, ушбу гуруҳга оид 8 та савдо номига эга препаратлар қўлланилиб, уларнинг дори бирликлари кесимидаги миқдор улушининг аксарият, яъни 98,8% ни 3 та препарат: ацекард, аспирин ва тромбо-Асс ташкил этган. Ушбу 3 та препартнинг қарийб ярмидан кўпроғи (54,6%) ацекард миқдорига тўғри келган.

Шундай қилиб, COVID 19 инфекцияси даво жараёнида қўлланган ДВ гуруҳлари дори бирликлари кесимидаги миқдор улушлари орасида, шунингдек ҳар бир ДВ гуруҳлари ичидаги препаратлар улушлари ичида муаъян танлов устуворлиги мавжуд экан.

COVID 19 инфекцияси медикаментоз давосида қўлланган ДВ миқдорини даво мақсадлари кесимидаги таҳлили муҳим амалий аҳамият касб этади.

Касалликни келтириб чиқарувчи сабаб ва ривожланиш механизмларига таъсир этувчи ДВ (этиопатогентик даво) билан касаллик белгиларини бартараф этишга йўналтирилган (симтоматик даво) ДВ орасидаги нисбат 2-расмда келтирилган.

Келтирилган маълумотлар, COVID 19 инфекциясига чалинган беморлар медикаментоз давосида ишлатилган препаратлар дори шаклларидаги миқдорининг деярли аксарияти, яъни 88,5% этиопатогентик даво учун қўлланиладиган дори воситаларидан иборат бўлиб, антибиотиклар 56% ни, антикаогулянтлар эса 23,7%ни ташкил этган. Ушбу гуруҳнинг қолган 1/5 қисмини эса вирусга қарши ДВ (8,34%), ГКС (8,02%), ҳамда ЯҚНСП ва антиагреганлар ташкил этган. Симтоматик даво кесимида қўлланган ДВ гуруҳлари улуши эса барча қўлланган ДВ нинг деярли 1/10 қисмига тўғри келган.



2-расм. COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда қўлланган этиотроп, патогенетик ва симтоматик ДВ гуруҳлари улуши.


Демак, биз ўрганаётган хасталикни медикаментоз давосида қўлланган ДВ аксарият миқдорини этиопатогенетик мақсадда ишлатилган ДВ гуруҳлари ташкил этган. Шуни айтиш жоизки, бизнинг олдинги тахлилимизда ДВ сотув номи бўйича қиёсий тақсимланишида ушбу нисбат ¼ ни ташкил этган бўлса, ДВ дори шакллари бўйича сони кесимида эса 1/5 ни ташкил этган. Касаллик келтириб чиқарган сабаб ва ривожланиш механизмига таъсир этувчи ДВ сони янада кўпроқ бўлган.

COVID 19 инфекцияси кечувидаги гендер тафовут хусусиятларини эътиборга олган ҳолда биз касаллик давоси учун қўлланилган ДВ сони ва улушларини бемор жинси кесимида ҳам таҳлил қилдик. Таҳлил натижалари 3-расмда ўз аксини топган.

Олинган натижалар COVID 19 инфекциясига чалинган аёл беморларда жами 19653 та дори бирлиги қўлланган бўлса, эркак беморларда эса аёлларга нисбатан деярли 10% кўпроқ ДВ ишлатилган (21599 та бирлик).

3-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, беморларда қўлланган ДВ бирликларининг энг кўпи антибиотикларга тўғри келиб, ишлатилган ДВ миқдорини қарийб ярмисига тенгдир. Бунда эркак беморларда антибиотиклар улуши, аёл беморларга нисбатан 17,5% га зиёдроқ бўлган. Қўлланган ДВ бирликларининг 1/5 қисмини антикаогулянт препаратлар ташкил қилиб, улар улуши аёлларда эркакларга нисбатан 8,0% га зиёдроқ бўлган. Вирусга қарши ДВ билан ГКС препаратлари дори бирликлари сони жами ишлатилган ДВ миқдорини деярли тенг улушларига эга бўлиб, ўртача 8% ни ташкил этган. Аммо ушбу дори гуруҳи препаратларининг бемор жинси кесимидаги улушлари бир хил бўлмаган (3-расм). Бунда вирусга қарши ДВ дори бирликлари улуши эркакларда аёлларга нисбатан 12,3% кўпроқ бўлган бўлса, ГКС препаратлари дори бирликлари улуши эса, аксинча аёлларда эркак беморларга нисбатан 6,8% га кўпроқ бўлган. Муколитик, замбруғга қарши, гипотензив, гепатотроп ва аллергияга қарши


препаратлар улушлари аёл беморларда эркакларга нисбат кўпроқ бўлган бўлса, инсулин препаратлари улуши эса, аксинча камроқ бўлган (3-расм). Демак, биз ўрганаётган беморларда қўлланаётган ДВ шакли бирликлари миқдори бўйича ҳам муаъян гендер тавфовутлари мавжуд экан. Ушбу фарқлар негизида аёл ва эркак беморларда COVID 19 инфекцияси клиник кечуви хусусиятлари, оғирлик даражалари ёки ёндош касалликлар бўйича тафовутлар мавжудлиги ётиши мумкин.



3-расм. COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда қўлланган дори воситалари гуруҳларини улар жинси кесимидаги таҳлили.
Изоҳ: __-аёллар; ---- - эркаклар.

4-расмдаги маълумотлар аёл ва эркак жинсига мансуб беморларда этиопатогенетик ва симптоматик даво мақсадида ишлатилган ДВ дори бирликлари бўйича миқдори улушларида аёл беморларда симтоматик даво учун қўлланган препаратлар улуши эркак беморларга нисбатан 14,8% га кўп эканлигини кўрсатади. Шунингдек, этиопатогенетик даво мақсадида қўлланган ДВ улушлари орасида ҳам мос равишда фарқ мавжудлиги кўзга ташланади. Демак, этиотроп, патогенетик ва симтоматик даво мақсадлари бўйича қўлланган ДВ ва улар гуруҳлари улушлари орасида дори шакли бирликлари бўйича муаян гендер тавофутлар мавжуд экан.

Биз ҳар бир ДВ гуруҳида энг кўп ишлатилган ДВ миқдор улушларини ҳам бемор жинси кесимида қиёсий ўргандик. Ушбу изланиш натижалари 1-жадвалда ўз аксини топган.



4-расм. COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда қўлланган этиотроп, патогенетик ва симтоматик ДВ гуруҳларини бемор жинси кесимидаги улушлари.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, COVID 19 инфекциясига чалинган беморлар даво жараёнида энг кўп қўлланган ДВ бирликлари миқдори улушлари бўйича аёл ва эркак орасида маълум фарқлар мавжудлиги кўзга ташланади. Албатта, бу фарқлар қўлланган барча ДВ гуруҳларига таалуқли эмас. Антикаогулянт, антиагрегант ва ЯҚНСП гуруҳлари ичида энг кўп қўлланган препаратлар номи ва дори бирликлари миқдори бўйича улушлари кесимида эркак ва аёл беморлар орасида деярли фарқ кузатилмаган бўлсада, антиагрегант препаратларнинг савдо номи бўйича сони аёл беморларда эркак беморларга нисбатан кам бўлган. ЯҚНСП гуруҳи бўйича, аксинча, аёл беморларда, эркак беморларга нисбатан савдо номи кесимида препаратлар сони кўпроқ бўлганлиги кўзатилган (1-жадвал).

COVID 19 инфекцияси давосида энг кўп қўлланган ДВ ва улар миқдори улушларини бемор жинси кесимида тақсимланиши.

1-жадвал

ДВ гуруҳлари	COVID 19 инфекциясига чалинган беморлар			
	Аёллар		Эркаклар	
	ДВ номи	Улуши (%)	ДВ номи	Улуши(%)
Антибиотик	*Цефепим*	14,1	*Азитромицин*	16,3
	Левофлоксацин	13,1	*Цефтраксон*	14,2
	Меропенем	12,2	*Левофлоксацин*	14,2
	Велкуин	11,0	*Цефепим*	12,5
	Цефтраксон	10,6	*Цефазолин*	11,8
	Азитромицин	10,3	*Ладеф*	9,2
	Гулцеф	9,9	*Меропенем*	8,2
	Ладеф	9,6	*Гулцеф*	7,0
	Цефазолин	9,2	*Зетрон*	6,2
Антикаогулянт	*Гепарин*	82,4	*Гепарин*	84,3
	Эноксипарин	11,7	*Эноксипарин*	9,4
	Клексан	5,9	*Клексан*	6,3
Вирусга қарши	*Ремдисивир*	65,2	*Ремдисивир*	48,5
	Фавипиравир	11,5	*Эргоферон*	19,8
	Эргоферон	11,1	*Фавипиравир*	8,9
	Авирол	6,3	*Ацикловир*	8,5
	Рибоверин	5,9	*Авирол*	8,0
			Рибоверин	6,2
ГКС	*Дексаметазон*	87,1	*Дексаметазон*	95,6
	Преднизалон	12,9	*Солумедрол*	2,3
			Преднизалон	2,1
Антиагрегант	*Ацекард*	58,0	*Ацекард*	51,1
	Аспирин	29,9	*Аспирин*	31,5
	Тромбо-Асс	16,1	*Тромбо-Асс*	17,4
ЯҚНСП	*Ибупрофен*	57,0	*Ибупрофен*	58,9
		43,0	*Профидол*	41,1

Ушбу масала антибиотиклар бўйича ўрганилганда аёл ва эркак беморлар ўртасида энг кўп қўлланган ДВ бўйича тафовутлар борлиги аниқланган. Бунда аёл беморларда энг кўп қўлланилган антибиотиклар ичида велкуин ДВ қайд этилган бўлса, эркак беморларда эса ушбу ДВ ўрнига зетрон ДВ қайд этилган. Шунингдек, келтирилган антибиотикларнинг улушлари орасида ҳам фарқ кузатилиб, аёл беморларда энг кўп цефепим ДВ ишлатилган бўлса, эркак беморларда эса - азитромицин ДВ қўлланилган (1-жадвал). Аёл беморларда қўлланилган антибиотиклар ўз ичига 40 та савдо номига эга ДВ олган бўлса, эркак беморларда мос равишда 45 та савдо номига эга ДВ бўлган. Аналогик фарқлар вирусга қарши ДВ нинг миқдор улушлари ва танлов устуворлигида ҳам кузатилган (1-жадвал).

Демак, COVID 19 инфекцияси даво жараёнида қўлланган ДВ бирликлари миқдор улушлари орасидаги гендер тафовут энг кўп қўлланган антибиотиклар, вирусга қарши ДВ гуруҳи препаратлари миқдори улушларига ҳам хос экан.


COVID 19 инфекцияси даво жараёнида қўлланиладиган ДВ гуруҳлари сони ва препаратлар ҳажми касаллик кечуви хусиятлари ва унинг оғирлик даражасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Шундан келиб чиққан ҳолда биз ушбу хасталикда ишлатилган ДВ бирликлари миқдори кесимидаги улушларини COVID 19 инфекцияси оҳирлик даражаси бўйича таҳлил қилдик. Таҳлил натижалари 5-расмда келтирилган.

5-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, COVID 19 инфекцияси даво жараёнида қўлланиладиган ДВ бирликлари миқдори улушлари бўйича касалликнинг оғир, ўртача оғир ва енгил кечув шаклларида маълум фарқлар мавжуд экан. Шунингдек, касалликнинг оғир, ўртача оғир ва енгил шаклларига дучор бўлган беморлар сони ҳам бир хил бўлмаган. Таҳлил ўтказаётган беморларимизнинг 6,3% да касаллик

енгил даражада, 23,3% да ўртача оғир ва 70,3% да эса оғир даражада кечган.

Касаллик оғир даражада кечган беморларда дори бирликлари миқдори бўйича ишлатилган жами ДВ ларнинг 69,83% қўлланилиб, улар 14 та фармакологик гуруҳга оид ва 130 сотув номига эга ДВ лардир. Касаллик ўртача оғир даражада кечган беморларда, мос равишда, жами ДВ ларнинг 27,02% қўлланилиб, улар 13 та фармакологик гуруҳга оид ва 71 сотув номига эга ДВни ташкил этган. Касаллик енгил даражада кечган беморларда дори бирликлари миқдори бўйича ишлатилган жами ДВ бор йўғи 3,15% ишлатилиб, бунда 12 та фармакологик гуруҳга оид 49 сотув номига эга препаратлар бўлган. Демак, касаллик қанчалик оғир даражада кечса, шунча кўп дори препаратлари қўлланган. Юзаки қараганда, касаллик қанча оғир кечса шунча кўп ДВ ишлатилар экан деган тушунча пайдо, аммо жами қўлланган ДВ бирликлари сонини беморлар сони кесимида ўрганилганда вазият бошқача тус олади. Бунда, касаллик оғирлик даражасидан қатъий назар, COVID 19 инфекциясига чалинган битта беморга ўртача 20,63 та бирлик дори воситаси тўғри келган бўлса, енгил оғирлик даражасига эга беморларда бу кўрсатгич ўртачага нисбатан 2 баробарга кам (10,22 та бирлик), ўртача оғирлик даражасига эга беморларда, мос равишда, 15,9% кўпроқ ва касаллик оғир даражада кечувчи беморларда эса ўртача кўрсатгичдан деярли фарқланмаган (20,47 та бирлик). Демак, COVID 19 инфекциясини ўртача оғирлик даражасида ДВ бирликлари кесимида ўртача бир бемор бўйича энг кўп препарат бирликлари қўлланган. Бу, ҳатто касаллик оғир даражада кечган беморларга нисбатан ҳам кўпроқ бўлган.


Келтирилган маълумотлар COVID 19 инфекциясининг оғирлик даражасига мос равишда медикаментоз даво кесимида қўлланган ДВ гуруҳ препаратларининг бирлик миқдори улушлари ҳам турлича бўлишини кўрсатади. Касаллик давосида энг кўп қўлланилган антибиотиклар улуши COVID 19 инфекциясининг енгил кечувида оғир кечувига нисбатан 31,7% га зиёдроқ бўлган. Антикаогулянт препаратларнинг улушлари эса, аксинча касалликнинг енгил кечувида унинг оғир ва ўртача оғир кечувларига нисбатан мос равишда 3,7 ва 3,0 баробарга кам бўлган. Айнан шунга ўхшаш боғлиқлик ГКС ва антиагрегант препаратлар улушларига ҳам хос бўлган (5-расм). Вирусга қарши препаратлар улушлари касалликнинг енгил даражасида жами қўлланган препаратларнинг қарийб 1/5 қисмига тенг бўлган бўлса, касалликнинг оғир ва ўртача оғир даражаларида улар улуши мос равишда 2,9 ва 5,4 баробарга кам бўлган (5-расм).



5-расм. COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда қўлланган ДВ гуруҳларини касаллик оғирлик даражалари кесимидаги улушлари.

Демак, COVID 19 инфекцияси медикаментоз давосида қўлланиладиган ДВ гуруҳлари препаратларининг бирликлари бўйича миқдор улушлари касаллик клиник кечуви оғирлик даражалари билан маълум боғлиқлик намоён этар экан.

COVID 19 инфекцияси оғир,ўтача оғир ва енгил даражаларини намоён қилган беморларда медикаментоз даво жараёнида қўлланган ДВ бирликлари миқдори улушлари даво мақсадлари кесимида қандай тақсимланган? Ушбу саволга аниқлик киритиш мақсадида даво жараёнида қўлланган ДВ этиопатогенетик ва симптоматик мақсадда қўлланиладиган ДВ бўлиб таҳлил қилинди. Ушбу таҳлил натижалари 6-расмда келтирилган.



6-расм. COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда қўлланган этиотроп, патогенетик ва симтоматик ДВ гуруҳларини касаллик оғирлик даражалари кесимидаги улушлари.

Ўтказилган таҳлил этиопатогенетик даво мақсадида қўлланган ДВ бирликлари улуши бўйича энг қуйи натижа касалликни оғир даражасида кузатилиб, унда симтоматик даво учун қўлланган ДВ бирлик миқдори улушлари ўртача оғирлик ва енгил даражадаги беморларга нисбатан мос равишда 1,7 ва 2,8 маротабага кўп бўлган. Демак, медикаментоз даво кесимида қўлланган ДВ бирлик миқдори улушлари даво мақсадидан келиб чиққан ҳолда касаллик кечуви оғирлик даражаларида турлича улушларда учраши ўз аксини топган.

6-расмда келтирилган маълумотлар антибиотиклар улуши касалликнинг оғир даражасида энг кам бўлиб, касалликнинг енгил ва ўртача оғирлик кечувларидан мос равишда 24,1% ва 22,3% га камроқ бўлган. Шунга ухшаш ҳолат вирусга қарши препаратлар улушларида ҳам кузатилган. Антикаогулянтлар ва антиагрегант препаратлар улушлари учун эса, аксинча, касалликнинг оғир кечувида унинг енгил ва ўртача оўирлик кечувлврига нисбатан ушбу гуруҳ препаратларининг бирлик миқдори улушлари сезиларли даражада юқори бўлган (6-расм). Демак, касаллик кечуви оғирлик даражаларида этиопатогенетик даво учун қўлланган ДВ улушлари ҳам

муаъян фарқларга эга экан.

COVID 19 инфекцияси оғир,ўтача оғир ва енгил даражаларда кечган беморларда қўлланган ДВ ларининг бирлик миқдори кўрсатгичлари бўйича энг кўп ишлатилганларини аниқлаш ҳам амалий аҳамиятга эга. Шу муносабат билан биз каспалликнинг оғирлик даражалари кесимида энг кўп қўлланган дори воситаларини ҳам таҳлил қилдик. Таҳлил натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, антибиотклар гуруҳи жами ДВ ичида энг катта улушга эга гуруҳ сифатида таҳлил этилганда касаллик оғир даражадаги кечувида жами қўлланган антибиотикларнинг 74,02% ни (қарийб 3/4 қисми) 9 та сотув номига эга антибиотиклар ташкил этган. Улар жами қўлланилган сотув номидаги антибиотикларнинг 18,4% га тенг бўлган. Улар ичида дори бирликлари миқдори улушлари бўйича *цефепим* ва *левофлоксацин* энг кўп ишлатилган (2-жадвал).

Ўртача оғирлик даражасига эга бўлган беморларда эса жами қўлланган антибиотикларнинг 58,3% ни (қарийб 3/5 қисми) 5 та сотув номига эга антибиотиклар ташкил этган. Улар жами қўлланилган сотув номидаги антибиотикларнинг 23,8% га тенг бўлган, ҳамда энг кўп цефазолин ва азитромицин каби антибиотик препаратлар ишлатилган (2-жадвал).

Енгил кечувга эга бўлган беморларда эса жами қўлланган антибиотикларнинг 83,01% ни (4/5 қисмидан зиёдроғи) 4 та сотув номига эга антибиотиклар ташкил этиб, улар улуши ушбу касаллимк кечуви даражасида қўлланган жами антибиотикларнинг 25,0% тенг бўлган. Улар ичида энг кўп *азитромицин* ва *цефтраксон* препаратлари ишлатилган (2-жадвал). Демак, COVID 19 инфекцияси давосида қўлланган ва энг кўп ишлатилган антибиотиклар сони ва сотув номлари бўйича касаллик кечуви даражаларига мос равишда турлича бўлган.

COVID 19 инфекцияси давосида энг кўп қўлланган ДВ ва улар миқдори улушларини касаллик оғирлик даражалари кесимида тақсимланиши.

2-жадвал

ДВ гуруҳлари	COVID 19 инфекцияси оғирлик даражалари					
	Енгил		Ўртача оғир		Оғир	
	ДВ номи	%	ДВ номи	%	ДВ номи	%
Антибиотик	*Азитромицин*	51,6	*Цефазолин*	24,6	*Цефепим*	14,2
	Цефтраксон	39,4	*Азитромицин*	23,2	*Левофлоксацин*	13,2
	Цефазолин	5,0	*Велкуин*	19,3	*Цефтраксон*	12,6
	Ладеф	4,0	*Левофлоксацин*	18,5	*Гулцеф*	12,4
			Цефепим	14,3	*Меропенем*	11,9
					Ладеф	11,7
					Зетрон	9,6
					Азитромицин	7,6
					Броацев	6,8
Антикаогулянт	*Гепарин*	83,8	*Гепарин*	89,8	*Гепарин*	79,5
	Эноксипарин	16,2	*Клексан*	6,5	*Эноксипарин*	12,7
			Фленокс	3,8	*Клексан*	5,9
Вирусга қарши	*Эргоферон*	48,1	*Эргоферон*	46,3	*Ремдисивир*	76,2
	Ацикловир	33,7	*Рибоверин*	25,2	*Фавипиравир*	11,2
	Авирол	10,8	*Авирол*	22,2	*Эргоферон*	5,6
	Фавипиравир	6,9	*Фавипиравир*	6,3	*Авирол*	3,8
					Рибоверин	3,1
					Ацикловир	2,5
ГКС	*Дексаметазон*	64,0	*Дексаметазон*	97,5	*Дексаметазон*	94,3
	Преднизалон	36,0	*Преднизалон*	2,6	*Преднизалон*	3,5
					Солумедрол	2,2
Антиагрегант	*Аспирин*	80,0	*Аспирин*	61,8	*Ацекард*	74,2
			Тромбо-Асс	38,2	*Аспирин*	16,3
					Тромбо-Асс	9,4
ЯҚНСП	*Ибупрофен*	47,1	*Уникетро*	76,2	*Ибупрофен*	56,5
	Кюпен	29,4	*Ибупрофен*	23,8	*Профидол*	43,5
	Ибуклин	23,5				

Айнан шунга ўхшаш ҳолат энг кўп ишлатилган вирусга қарши ДВ бирликлари миқдори улушларида ҳам кузатилган (2-жадвал).

ГКС препаратларни таҳлили, 2-жадвалдан акс этганидек, касалликни енгил кечуви шаклида фақат 2 та савдо номидаги препаратлар (*дексаметазон, преднизалон*) ишлатилган (улар 2:1 нисбат ҳажмда бўлган) бўлса, ўртача оғир шаклида ҳам энг кўп, яъни жами қўлланган ГКС ни 96,94%, 2 савдо номига эга препаратни (*дексаметазон, преднизалон*) ташкил этган (жами ГКСни 50%). Касалликни оғир кечуви кузатилган беморларда жами 6 та савдо номига эга ГКС

қўланган бўлса, унинг 97,25% 3 та савдо номига эга препаратлар ташкил этган (*дексаметазон, преднизалон, солумедрол*). Қолган 3 та ГКС (жами ГКС ни 50%) бор йўғи қўлланилган жами ГКС ни 2,75%ни ташкил этган.

Энг кўп қўлланилган антикаогулянт препаратлар касалликнинг енгил, ўртача оғир ва оғир шаклларида жами ишлатилган савдо номидаги антикаогулянтларнинг мос равишда 50%, 50% ва 30% ни ташкил этган. Аммо, дори бирликлари миқдоридаги улушлари бўйича эса мос равишда 93,67%, 96,82 ва 97,61% ни ғосил қилганлар. Демак, касалликнинг енгил шаклида қолган 2 савдо номидаги препарат бор йўғи 6,33%, ўрта оғир кечувда қолган 3 та савдо номли препарат 3,15% ва оғир кечувда 7 та препарат 2,39% ни ҳосил қилган (2-жадвал). Шунга ўхшаш ҳолат антиагрегант препаратларни касаллик оғирлик кечуви шакллари кесимида таҳлил қилинганда ҳам кузатилган (2-расм). Шундай қилиб, COVID 19 инфекцияси давосида қўлланган ДВ ва улар гуруҳлари ичида энгт кўп ишлатилган ДВ улуши ва улар савдо номлари ҳам касаллик оғирлик даражаси билан муаъян боғликлик ҳосил қилар экан.


Олдинги қисмда COVID 19 инфекциясининг кечуви ва оқибатлари беморларда мавжуд ёндош касалликлар билан б0ғлиқ эканлиги ва шундан келиб чиққан ҳолда медикаментоз даво тури ва ҳажми аниқланиш мумкин эканлиги ўз аксини топган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда биз ушбу хасталикда қўлланилган ДВ бирликлар кесимидаги миқдор улушларини ҳам беморлдарда мавжуд бўлган ёндош касалликлар билан боғлиқлигини ўрганишни олдимизга вазифа қилиб қўйдик.

Шунинг учун биз ушбу тадқиқотда ДВ фармакоэпидемиологик таҳлилини COVID 19 инфекцияси билан ҳасталанган беморларда ёндош касалликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига қараб ҳам ўргандик.

Таҳлил беморларнинг 76,1% да, яъни 4/3 қисмида ёндош касалликликлар мавжуд эмаслиги, ҳамда жами қўлланган ДВ 35,16% даво жараёнида сарфланганлигини кўрсатса, қолган 24,9% беморларда (4/1 қисмида) ёндош касалликлар мавжуд эканлиги, ҳамда жами қўлланган ДВ 64,84% даво жараёнида сарфланганлигини намоён этади. Шунингдек, ёндош касалликлари мавжуд бўлмаган беморларга ўртача 9,55 та дори бирлиги тўғри келган бўлса, ёндош касалликлари мавжуд бўлган беморларга эса ўртача 56,96 бирлик ДВ тўғри келган. Демак, ёндош касалликлари мавжуд беморларда ёндош касалликлар мавжуд бўлмаган беморларга нисбатан кўпроқ ДВ ишлатилган. Қуйида COVID 19 инфекцияси билан ҳасталанган беморларда ёндош касалликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига қараб қўлланган ДВ гуруҳлари бирликлари миқдори улушлари бўйича тақсимланганлиги бўйича маълумотлар келтирилган (7-расм).

Келтирилган маълумотлар ёндош касалликлари мавжуд беморларда COVID 19 инфекцияси давоси учун қўлланган ДВ бирлик миқдорлари улушлари кесимида ёндош касалликлари мавжуд бўлмаган беморларга нисбатан муаъян тафовутлар борлиги кузатилган.


Ёндош касалликлари мавжуд беморларда микробга қарши препаратлар (антибиотиклар, вирусга ва замбруғга қарши воситалар) бирлик миқдорлари улуши кесимида ёндош касалликлари мавжуд бўлмаган беморларга нисбатан солиштирилганда улар улуши 2 маротабадан зиёдроқга кўпроқ бўлган (7- расм). Жумладан, антибиотиклар 2,2 марта, вирусга қарши препаратлар 1,4 марта ва замбруғга қарши ДВ 5,9 мартага юқори бўлган. Айнан шундай ҳолат ГКС, антикаогулянт ва антиагрегант препаратлар, аллергияга қарши, диуретик, гипотензив ва инсулин препартларига ҳасм хос бўлган (7-расм). Бироқ, ЯҚНСП улуши эса ёндош касалликлари мавжуд беморларда ёндош касалликлари мавжуд бўлмаган беморларга нисбатан, аксинча, 27% га кам бўлган. ППИ улушлари эса деярли иккала гуруҳда фарқланмаган (7-расм). Демак, COVID 19 инфекцияси билан хасталанган ва ёндош касалликлари мавжуд беморлар ёндош касалликлари бўлмаган беморларга нисбатан кўпроқ ДВ қабул қилганлар.



7-расм. COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда қўлланган ДВ гуруҳларини ёндош касаклликлар мавжудлиги кесимидаги улушлари.

Ёндош касалликларни мавжудлиги COVID 19 инфекцияси билан хасталанган беморлар медикаментоз даво мақсади стуртурасига ҳам таъсир этганми? Агар таъсир этган бўлса, этиопатогенетик ва симтоматик даво нисбати қандай ўзгарган? Ушбу саволларга жавоб топиш мавсадида биз қўлланган ДВ бирлик миқдори улушлари кесимида ёндош касалликлари мавжуд ва мавжуд бўлмаган беморда алоҳида тадқиқ этдик. Ушбу тадқиқ натижалари 8-расмда ўз аксини топган.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, COVID 19 инфекцияси билан хасталанган беморларда ёндош касалликларнинг мавжудлиги асосий касалликнинг даво мақсади структурасида маълум ўзгаришлар келтириб чиқарар экан. Бунда этиопатогенетик даво ҳажмини бор йўғи 2,7% ошиши, симтоматик даво улушини 18,2% камайишига олиб келган. Демак, COVID 19 инфекциясига ёндош бўлган касалликлар симтоматик даво мақсадида қўлланаладиган ДВ ни эмас, балки касаллик сабаби ва ривожланиш механизмига таъсир этувчи препаратлар ҳажмини ошишига олиб келиши мумкин эканлиги кўрсатади. Шундай қилиб, ёндош касалликлар асосий касалликни кечуви ва оқибатларига таъсир этганлиги туфайли унинг давосида ишлатиладиган ДВ ларига “мурожатлар” ошар экан деб хулоса қилиш мумкин.



8-расм. COVID 19 инфекциясига чалинган беморларда қўлланган этиотроп, патогенетик ва симтоматик ДВ гуруҳларини ёндош касалликлар мавжудлиги кесимидаги улушлари.

Ёндош касалликлари мавжуд ва мавжуд бўлмаган беморларда этиопатогенетик даво мақсадида қўлланган препаратлар қиёсий таҳлили ҳам 8-расмда келтирилган. Расмда ёндош касалликлари мавжуд беморларда антибиотиклар ва ГКС улушлари ёндош касалликлари мавжуд бўлмаган беморларга нисбатан юқорироқ эканлиги ва ўз навбатида вирусга қарши, ЯҚНСП, антикаогулянт ва антиагрегант препаратлар улушлари эса, аксинча камроқ эканлиги ўз аксини топган. Демак, COVID 19 инфекцияси билан ҳасталанган беморларда ёндош касалликлари мавжудлиги қўлланаётган ДВ бирлик миқдорлари улушларини ва улар ҳажмида ҳам ўзига хос фарқлар келиб чиқишига сабаб бўлар экан.

Агар ёндош касалликларнинг мавжудлиги COVID 19 инфекцияси билан ҳасталанган беморларда даво учун қўлланаётган ДВ бирлик миқдори улушларига таъсир эткан экан, ушбу ҳолат энг кўп ишлатилган ДВ ҳажми ва сонига ҳам таъсир этиши мумкин. Ушбу масала фармакоэпидемиология нуқтаи назаридан ҳам маълум эътиборни жалб қилади. Шу муносабат билан биз касаллик даво жараёнида энг кўп қўлланган ДВ бирлик миқдори улушларини ёндош касалликлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги бўйича таҳлилдан ўтказдик. Ушбу таҳлил натижалар 3-жадвалда ўз аксини топган.

COVID 19 инфекцияси давосида энг кўп қўлланган ДВ ва улар миқдори улушларини ёндош касалликлар мавжудлиги кесимида тақсимланиши.

3-жадвал

ДВ гуруҳлари	COVID 19 инфекциясига чалинган беморлар ёндош касалликлар мавжудлиги			
	Мавжуд эмас		Мавжуд	
	ДВ номи	Улуши %	ДВ номи	Улуши %
Антибиотик	*Зетрон*	22,7	*Левофлоксацин*	17,5
	Гулцеф	19,2	*Азитромицин*	17,1
	Цефепим	17,3	*Цефазолин*	13,4
	Меропенем	14,1	*Цефтраксон*	11,1
	Ладеф	13,5	*Цефепим*	10,2
	Цефтраксон	13,1	*Велкуин*	9,0
			Зетрон	7,7
			Меропенем	7,3
			Ладеф	6,6
Антикаогулянт	*Гепарин*	81,4	*Гепарин*	81,4
	Эноксипарин	13,6	*Эноксипарин*	8,1
	Клексан	5,0	*Клексан*	6,6
			Фленокс	4,0
Вирусга қарши	*Ремдисивир*	81,7	*Ремдисивир*	38,1
	Фавипиравир	16,1	*Эргоферон*	26,1
	Эргоферон	2,2	*Авирол*	11,8
			Рибоверин	9,8
			Ацикловир	8,3
			Фавипиравир	5,9
ГКС	*Дексаметазон*	98,9	*Дексаметазон*	91,9
			Преднизалон	5,0
			Солумедрол	3,0
Антиагрегант	*Ацекард*	85,0	*Аспирин*	45,6
	Тромбо-Асс	10,8	*Ацекард*	33,6
	Аспирин	4,2	*Тромбо-Асс*	20,8
ЯҚНСП	*Ибупрофен*	66,8	*Профидол*	49,7
	Профидол	33,2	*Ибупрофен*	36,4
			Уникетро	13,9

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, COVID 19 инфекцияси билан ҳасталанган ёндош касаллиги мавжуд бўлмаган беморларда қўлланган 40 номли антибиотиклардан энг кўп 6 та савдо номига эга бўлган антибиотиклар ишлатилган бўлиб, улар ушбу тоифа беморларда қўлланган жами антибиотикларни 72,2% ташкил этган. Қолган 34 та антибиотиклар эса 27,8% ни ташкил этган. Айни дамда ёндош касаллиги мавжуд бўлган беморларда қўлланган 45 номли антибиотиклардан энг кўп 9 та савдо номига эга бўлган антибиотиклар ишлатилган бўлиб, улар мос равишда жами антибиотикларни 73,5% ташкил этган. Қолган 36 та антибиотиклар эса 26,5% ни ташкил этган. Демак, ёндош касалликлар мавжуд бўлган COVID 19 инфекцияси билан ҳасталанган беморларда савдо номи бўйича сони жиҳатда ва энг ишлатилган препаратлар сони жиҳатидан ҳам кўпроқ антибиотиклар қўлланган (3-жадвал). Бироқ, ушбу беморларда энг кўп ишлатилган антибиотиклар сони 1,5 баробарга кўп бўлганига қарамасдан улар ҳажми ёндош касалликлари мавжуд бўлмаган беморлар каби бўлган (мос равишда 72,2% ва 73,5%). Шу билан бир қаторда энг кўп қўлланган антибиотиклар қаторидаги препаратлар ҳам бир хил "поғоналарни" ҳосил қилмаган. Агар ёндош касалликлари мавжуд беморлар гуруҳида Левофлоксацин биринчи поғанани эгаллаган бўлса, ёндош касалликлари мавжуд бўлмаган беморларда эса – Зетрон эгаллаган. Левофлоксацин препарати эса ҳатто энг кўп қўлланган антибиотиклар ичидан ҳам ўрин эгалламаган. Зетрон препарати эса ёндош касалликлари мавжуд беморларда энг кўп қўлланган антибиотиклар рўйхатининг 7 поғонасидан жой олган (3-жадвал).

Ёндош касалликлари мавжуд ва мавжуд бўлмаган беморлар давосида 14 та савдо номига эга вирусга қарши препаратлар қўлланган бўлиб, ёндош касалликлари мавжуд бўлмаган беморларда улардан энг кўп 3 та савдо номига эга препаратлари ишлатилган, ёндош касалликлари мавжуд бўлган беморларда эса 14 та препаратдан энг кўп 6 та препарат қўлланган. Демак, бу беморларда энг кўп қўлланган вирусга қарши дори воситалари сон жиҳатдан 2 марта кўп эканлигига қарамасдан, ушбу гуруҳ беморларида ишлатилган жами вирусга қарши препаратларнинг бир хил ҳажмини ташкил этган (ёндош касаллиги мавжуд ва мавжуд бўлмаган беморлар гуруҳига маос равишда 94,17% ва

94,59%). Айнан шундай ҳолат антиагрегант препартлар учун ҳам хос бўлган. Аммо, ушбу ДВ гуруҳида фарқли равишда, ёндош касаликлари мавжуд беморларда 7 та савдо номига эга препаратлардан 3 таси энг кўп ишлатилган бўлса, ёндош касалликлари мавжуд бўлмаган беморларда эса 4 та савдо номига эга препартдан 3 таси энг кўп қўлланилган (3-жадвал).

Хулоса.

Шундай қилиб, COVID 19 инфекцияси билан ҳасталанган беморларда қўлланган ДВ ва улар гуруҳларини дори бирликлари миқдори кесимидаги частотали таҳлили ва ушбу таҳлил натижаларига бемор жинси, касаллик кечуви оғирлик даражалари ва беморда ёндош касалликлар мавжудлиги каби факторларни амалий аҳамиятини тадқиқ этиш натижалари қўлланилаётган ДВ миқдори (дори бирликлари сони бўйича улушлари), фармакологик гуруҳлар, ҳамда этиологик, патогенетик ва симптоматик даво нисбатлари ўзига хос бўлишини намоён этди. Бунда бемор жинси омили, касалликни оғирлик даражалари омили, ёндош касалликлар омили даво учун қўлланаётган ДВ ва улар гуруҳлари улушларини, этиопатогенетик ва симптоматик даво нисбатлари, ҳамда конкрет қўлланган ДВ бирликлари миқдори улушларини турлича бўлишига сабаб бўлиши аниқланди. Бироқ, ушбу фикрни узил кесил асослаш учун ушбу хасталикда қўлланган ДВ фармакоэкономик таҳлили, яъни ABC анализини ўтказиш ва тадқиқ этиш зарурияти мавжудлигини кўрсатди. Шунинг учун зикр этилган йўналишда ҳам мақсадли тадқиқотлар ўтказилиши кераклиги вазифасини олдимизга қўйдик.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Зурдинов А.З. Место и значение преподавания клинической фармакологии в реализации концепции рационального использования лекарственных средств // Клиническая фармакология и терапия 2009, №6 (дополнительный), С. 14.;
2. Мавлянов И.Р., Якубов А.К., Косимов А.Ш. Фармакоэпидемиология ва унинг амалиётдаги роли. Тиббиёт ва спорт,2018, №2, С 31-36;
3. Горбачева Е.В. К вопросу безопасности фармакотерапии в педиатрической практике// Клиническая фармакология и терапия 2009, №6 (дополнительный), С. 45;
4. Мавлянов И.Р., Касымов А.Ш., Садыков А.А., Мавлянов З.И. Аллергия лекарственной этиологии: распространенность, патогенез, клинические формы проявления. Ташкент, 2011.80с;
5. Сулейманов С.Ш., Абросимова Н.В., Кирпичникова Н.В., Горбач А.А. Проблема безопасности фармакотерапии в рамках ответственного самолечения в дальневосточном регионе // Клин. фармакология и терапия, 2009, №6 (дополнительный), С.14;
6. Лепахин В.К., Ушкалова Е.А., Астахова А.В. Роль клинического фармаколога в повышении безопасности лекарственной терапии// Безопасность лекарств и фармаканадзор, 2008, 1, С.4-11;
7. Sharma A, Ahmad Farouk I, Lal SK. COVID-19: A Review on the Novel Coronavirus Disease Evolution, Transmission, Detection, Control and Prevention. Viruses. 2021 Jan 29;13(2) [PMC free article] [PubMed];
8. Grint DJ, Wing K, Williamson E, McDonald HI, Bhaskaran K, Evans D, Evans SJ, Walker AJ, Hickman G, Nightingale E, Schultze A, Rentsch CT, Bates C, Cockburn J, Curtis HJ, Morton CE, Bacon S, Davy S, Wong AY, Mehrkar A, Tomlinson L, Douglas IJ, Mathur R, Blomquist P, MacKenna B, Ingelsby P, Croker R, Parry J, Hester F, Harper S, DeVito NJ, Hulme W, Tazare J, Goldacre B, Smeeth L, Eggo RM. Case fatality risk of the SARS-CoV-2 variant of concern B.1.1.7 in England, 16 November to 5 February. Euro Surveill. 2021 Mar;26(11) [PMC free article] [PubMed];
9. de Abajo FJ, Rodríguez-Martín S, Lerma V, Mejía-Abril G, Aguilar M, García-Luque A, Laredo L, Laosa O, Centeno-Soto GA, Ángeles Gálvez M, Puerro M, González-Rojano E, Pedraza L, de Pablo I, Abad-Santos F, Rodríguez-Mañas L, Gil M, Tobías A, Rodríguez-Miguel A, Rodríguez-Puyol D., MED-ACE2-COVID19 study group. Use of renin-angiotensin-aldosterone system inhibitors and risk of COVID-19 requiring admission to hospital: a case-population study. Lancet. 2020 May 30;395(10238):1705-1714. [PMC free article] [PubMed];
10. Аширметов А.Х., Мавлянов И.Р., Мавлянов З.И., Жарылкасынова Г.Ж. COVID-19: известные препараты, новые возможности Анализ риска здоровью. 2020. № 4, С.170-181;
11. Мавлянов И.Р., Аширметов А.Х., Мавлянов З.И. COVID-19:Предпосылки медикаментозного лечения (обзор литературы) Медицинский журнал Узбекистана, 2020, №3, С.85-91.
12. COVID may be messing with your sperm – how it can affect your unborn kids, according to a new study /Reda Wigle. Published Oct. 13, 2025, 10:13 a.m. ET.